

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-
ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 32/30.12.2019. Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ХАМДАМОВА ШИРИН МИРЗАЮЛДАШЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШДА ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШ ПРИНЦИПИНИ ҚЎЛЛАШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хамдамова Ширин Мирзаюлдашевна Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини таъкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш	3
Хамдамова Ширин Мирзаюлдашевна Применение принципа разделения властей при организации системы государственной власти на местах	25
Khamdamova Shirin Mirzayuldashevna Application of the principle of the separation of powers in the organization of the state power system at the local level	47
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных научных работ List of published scientific works	51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҲАРБИЙ-
ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 32/30.12.2019. Ҳ. 74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ХАМДАМОВА ШИРИН МИРЗАЮЛДАШЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШДА ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШ ПРИНЦИПИНИ ҚўЛЛАШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ўу174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/avtoreferatlar) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исмаилова Гулноза Сайдиганиходжаевна юридик фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Бердияров Шухрат Намазбаевич юридик фанлари доктори, доцент Беков Ихтиёр Рустамович юридик фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.32/30.12.2019.Ўу.74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “29” декабрь соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1925 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2020 йил “18” декабрда тарқатилди.
(2020 йил “18” декабрдаги “2” рақамли реестр баённомаси).



М.Х. Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.М. Нурматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б. Усмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалиётга қўллаш бўйича қарашлар мунозараларга сабаб бўлаётганлиги, ривожланаётган мамлакатларда вакиллик ва ижро органлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш тизимлашмаганлиги, халқаро ва миллий қонунчиликда ҳокимиятлар бўлиниш принципини таъминлашда ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришга сабаб бўлмоқда. Айтиш пайтда ривожланиб келаётган давлатларнинг маҳаллий бошқарувида ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш, маҳаллий ҳокимият тармоқлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни ташкил этиш, муаммоларга ечим топиш, шунингдек унинг механизмларини янада такомиллаштириш бўйича илмий асослантирилган ечимлар топиш зарурати ортиб бормоқда.

Жаҳон илм-фанида маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалиётга жорий этиш бўйича турлича қарашлар мавжуд эканлигига қарамадан давлат бошқарувини номарказлаштиришга интилиш, маҳаллий даражадаги ҳокимиятларнинг “ўзаро тийиб туриш” механизмлари орқали қонунчилик ва барқарор ривожланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо ривожланган Германия, Дания, Франция, Туркия, Япония каби давлатларнинг муниципал бошқарувида ҳокимиятлар бўлиниш принципига оид механизмлар кенг жорий этилган. Бу эса ушбу тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тизимли бартараф этиш, улар фаолиятида ошқоралик ва шаффофликнинг таъсирчан йўлга қўйилишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил қилишда ҳокимиятларнинг бўлиниш принципини самарали амалга оширишга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислохотларнинг жадаллиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида янгича ёндашувларини жорий этишни талаб қилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш”¹, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясида “ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш”² каби

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., - №6., 70-модда

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепция тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун

вазифалар белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Яна бир муҳим вазифа – ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш билан боғлиқ. Кейинги пайтда юртимизда халқ депутатлари Кенгашларининг роли, халқ ноибларининг ваколатлари тубдан оширилди. Бироқ, очик тан олишимиз лозим, ҳокимларнинг ҳам маҳаллий Кенгашларга, ҳам ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилиши демократик принципларга мос келади, деб бўлмайди”¹. Бу олдимизга жойларда давлат ҳокимияти тизимини ташкил қилишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 7 августдаги № ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 17 августдаги № ПФ-4947-сон “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги фармонлари ва 2016 йил 27 апрелдаги 123-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги Намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида² белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияси ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияси тараққиётининг I. “Демократик давлат ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти бўлиниш принципининг айрим жиҳатлари А.А.Азизхўжаев, Х.Т.Одилқориев, Ш.Ғ.Асадов, Д.М.Бекчанов, З.Воҳидов, А.А.Дадашева, Ш.И.Жалилов, Г.С.Исмаилова, А.Э.Йўлдошев, Г.Р.Маликова, А.А.Маҳмудов, С.А.Муратаев, Х.И.Рўзметов, Р.Р.Ҳакимов, И.А.Хамедов, О.Т.Хусанов ва бошқалар сингари олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятнинг бўлиниш принципини қўллашга доир илмий тадқиқотлар С.А.Авакьян, М.В.Баглай, Г.В.Барабашев, Б.Н.Габричидзе, А.М.Диноршоев, З.Заҳариев, А.И.Ковлер, А.В.Малько, А.Ю.Мельвиль, Н.И.Матузов, К.Мухторов, В.С.Нерсисянц,

ҳужжатлари тўплами, 2017 й., - №37., 979-модда

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/ru>

² Бу ва бошқа манбалар диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

А.Скоков, В.Е.Чиркин, Ф.И.Шамхалов ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Хорижий муаллифлардан маҳаллий давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципини қўллаш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилган Л.Ванделли, Д.Гарнера (Великобритания), А.Полатоглу (Турция), В.Руджери, Х.Самуэла, Дж.Чандлера (США) кабиларнинг ишларини алоҳида қайд этиш лозим¹.

Г.С.Исмаилованинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий йўналишлари бўйича, А.А.Дадашева маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг вужудга келиши ва ривожланишда тарихий жиҳатлари, А.А.Махмудовнинг маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан, Х.И.Рўзметовнинг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш жараёнида кўриб чиққанлар².

Бироқ, ҳозирги кунда илмий манбалар таҳлили натижасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, соҳага доир халқаро ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил қилишда ҳокимиятларнинг бўлиниш принципини қўллаш масаласини ўрганишга бағишланган комплекс тадқиқот ишлари йўқлигини кўрсатмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг “Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизминини такомиллаштириш” илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллашни тизимли ўрганиш ҳамда илмий-назарий таҳлил этиш асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида ҳокимиятлар бўлиниш принципининг тушунчаси ва моҳиятини ёритиб бериш;

маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалга оширишнинг замонавий моделларини таҳлил қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг маҳаллий ижро органлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллашнинг шакллари ва йўналишларини тадқиқ этиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш муаммоларини таҳлил этиш асосида уларни

¹ Ўша жойни қаранг.

² Бу ва бошқа манбалар диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш механизмларини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи конституциявий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг предметини маҳаллий вакиллик ва ижро органлари фаолиятининг қонунчилик асослари, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш механизмлари, ҳокимиятлар бўлиниш принципига тааллуқли илмий-назарий қарашлар, концептуал ёндашувлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий, мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий усуллар, эмперик материаллар таҳлили, диалектика, умумлаштириш усуллари, ижтимоий сўров ва бошқалардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Халқ депутатлари Кенгашининг ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини эшитиш ваколатини мустаҳкамлаш асослантирилган;

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари бир йилда камида бир марта ўз мажлисида вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг тегишли суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитиши лозимлигини белгилаш асослаб берилган;

Халқ депутатлари Кенгашларининг котибияти фаолиятини қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги вакиллик органларининг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилиши асослаб берилган;

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳуқуқларини кенгайтириш орқали тегишли ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан вакиллик назоратини амалга ошириш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштириш зарурати асослаб берилган;

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш моделларига таъриф ва таклиф берилган: “маҳаллий бошқарувнинг марказлашган тизимида жойларда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш модели”, “маҳаллий бошқарувнинг

номарказлашган тизимида жойларда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш модели”; “маҳаллий бошқарувнинг аралаш тизимида ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш модели”;

Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципининг амалга ошириш шакллари аниқланган;

маҳаллий Халқ депутатлари Кенгаши раиси энг кўп овоз олган партия депутатлари орасидан сайланиши тўғрисида таклиф киритилган бўлиб, бунда сайланган раис у ёки бу сиёсий партиядо ўз фаолиятини тўхтатиб туриши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчилик, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистика маълумотлари таҳлили асосида умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулосалар, таклифлар ва тавсиялар синовдан ўтказилган, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган. Олинган натижалар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, унда баён этилган илмий-назарий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан маҳаллий вакиллик ва ижро органлари ваколатларини белгилаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек “Конституциявий ҳуқуқ”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” ва “Маҳаллий бошқарув” каби фанларни ўқитиш ва келгусида уларни илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти улардан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек Давлат бошқаруви академияси томонидан ташкил этиладиган ўқув семинарлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун тренинглар, ўқув ва методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш механизминини такомиллаштиришга оид олинган қуйидаги илмий натижалардан фойдаланилган:

тегишинча ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини эшитиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ЎРҚ-913-ХП-сонли Қонунининг 24-моддаси 15-бандига Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 январдаги ЎРҚ-512-сонли Қонунининг 24-модданинг биринчи қисми ўн бешинчи хатбошиси билан жорий қилинган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши органлари бўйича Қўмитасининг*

2020 йил 9 июлдаги № 05/1-01-143-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ҳудудий адлия органлари Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий адлия органлари фаолияти устидан ҳисоботларни эшитиш орқали маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципини қўллашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида йилига камида бир мартта республиканинг барча ҳудудлари тегишли судлари раисларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга доир фаолиятига оид ахборотини эшитиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ЎРҚ-913-ХП-сонли Қонунининг 24-моддаси 1-қисмини Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлдаги ЎРҚ-486-сонли Қонунининг 24-модданинг иккинчи қисми билан тўлдириб жорий қилинган. (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарши органлари бўйича Қўмитасининг 2020 йил 9 июлдаги № 05/1-01-143-сон маълумотномаси*). Ушбу таклиф суд раисларининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот бериши маҳаллий вакиллик ва ижро органлари ўзаро ҳамкорлигининг устувор йўналишларини аниқлашга хизмат қилган;

ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органи раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ЎРҚ-913-ХП-сонли Қонунининг 20-моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-636-сонли Қонунининг 1-моддаси билан жорий қилинган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарши органлари бўйича Қўмитасининг 2020 йил 3 декабрдаги № 05/1-04-256-сон маълумотномаси*). Ушбу таклиф маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги вакиллик органларининг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш, уларга профессионал хизмат кўрсатадиган мустақил тузилмасини яратиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг қўлланилишини таъминлаган;

тегишли ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сонли Қонунининг 6-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш орқали “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги 706-11-

сонли 2 декабрь 2004 йилда қабул қилинган Қонуннинг “Депутатлар ҳуқуқлари” деб номланувчи 5-моддасининг иккинчи қисми ўнинчи хатбошиси билан татбиқ этилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши органлари бўйича Қўмитасининг 2020 йил 9 декабрдаги 05/1-04-259-сон маълумотномаси*). Ушбу таклиф маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги вакиллик органларининг назорат функциясини кучайтириш орқали ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий конференция, жумладан 3 та халқаро ва 4 та илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот мавзусида 12 та илмий иш, жумладан хорижий нашрларда 3 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, олти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловани ўз ичига олган учта бобдан иборат. Диссертация ҳажми 131 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, унинг республикада фан ва технологияси ривожининг устувор йўналишларига моелиги исботланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқот усуллари, унинг янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятларнинг бўлиниш принципини қўллашнинг илмий-назарий асослари**” деб номланиб, ушбу бобида мазкур масаланинг илмий ва назарий жиҳатлари ифодаланган. Унда “маҳаллий ҳокимият” тушунчаси, ҳокимиятларнинг маҳаллий даражада бўлиниш принципини қўллаш моҳияти акс этган. Ҳуқуқшунос-олимларнинг илмий-назарий қарашлари таҳлил қилинган.

“*Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи тушунчаси ва моҳияти*”га бағишланган биринчи параграфда ҳокимиятлар маҳаллий даражада бўлиниш принципининг асосий қоидалари ва ҳуқуқий аҳамияти тадқиқ қилинган.

Ушбу масалага доир ю.ф.д, профессор О.Т.Хусанов “маҳаллий ҳокимиятнинг бўлиниш принципи моҳиятини бир органнинг бошқа орган устидан асоссиз ҳокимият ўрнатиши, бир органнинг бошқа органдан ҳокимият ёки ваколатларини тортиб олиши, унинг ишларига асоссиз аралашувининг олдини олиш, шунингдек ҳокимиятнинг турли тармоқлари органлари ўртасидаги ўзаро назоратни таъминлаш воситаси сифатида кўриб чиқади” деб таъкидлаган.

Россиялик олим С.А.Авакьяннинг фикрича, тарихий нуқтаи назардан ҳокимият тармоқларини бўлиш эҳтиёжи ҳамда уларнинг ҳар бири учун йўналиш ва ваколатларни белгилаб бериш, ҳокимиятнинг вазифа ва функцияларини реал амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, ҳокимиятнинг бўлиниши, унинг масъулияти, фаолиятининг бориши ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш талабини оширади. Бундай ажратиш ҳар бир ҳокимият мажбуриятларининг аниқ ва равшан белгилаб берилишини англатади ва ҳокимиятлар бирлигига таъсир кўрсатмайди, аксинча уларнинг ҳар бирига бошқаларининг фаолиятини кузатиш ва тўлдириш, зарурият туғилганда назорат қилиш ҳуқуқини беради. Ҳокимиятлар ўзаро муносабатларининг бундай тартиби тарихий жиҳатдан шаклланган бўлиб, “ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати” тизими номини олган¹.

З.Воҳидовнинг фикрича, маҳаллий давлат ҳокимиятини бўлиниш принципининг асосий жиҳати шундаки, ҳар бир ҳокимият қолган бошқа ҳокимият субъектларини назорат қилиш имконияти ва ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Тадқиқотчи З.Воҳидовнинг фикрига кўшилмаган ҳолда ўзаро назорат эмас, балки ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги ва эркинлиги, ҳокимият тармоқларининг ўзаро алоқаси ва мувозанатини таъминловчи ҳокимиятларни ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаб туриш тизими мазкур принципнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунда тадқиқотчи маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органларига назорат функцияларининг катта доирасини бериш лозим.

Шунингдек, мазкур параграфда тадқиқотчи маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятлар бўлиниш принципи тегишли ҳудудда ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органларининг ўзаро ҳамкорлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ваколатларни амалга ошириш мутаносиблиги билан изоҳланадиган конституциявий тизимнинг асосий принципларидан бири, деган хулосага келган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “*Ҳокимиятлар маҳаллий даражада бўлиниш принципини амалга оширишнинг замонавий моделлари*”га бағишланган бўлиб, унда ҳокимиятлар бўлинишининг турли моделларини таҳлил қилиш масалалари кўриб чиқилган, ҳокимиятлар бўлиниши концепцияларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган бўлиб, бу маҳаллий ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи конституциявий тузум

¹Авакьян С.А.Разделение властей: для каких уровней применять? Саратов давлат юридик академиясининг № 4 сонли ахборотномаси, М.: 2018. – 16 б.

асослари тизимида ҳал қилувчи ҳисобланади, деган хулосага келиш имконини беради. Бунда у ҳокимиятни амалга ошириш механизмида ўз аксини топади. Тадқиқотда ҳокимиятларнинг бўлиниш модели маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими, ушбу барча субъектларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги мустақиллиги ва масъулияти билан белгиланади, ваколат ва вазифалари ўрганилиб таклифлар асослантирилади.

Тадқиқотчининг фикрича, кўплаб мамлакатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мавжуд бўлиб, бироқ уларнинг бўлиниш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш усуллари айнан бир хил эмас, уларни вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш усуллари ҳам ҳар хил.

Тадқиқот доирасида маҳаллий ҳокимиятлар бўлинишининг замонавий моделларини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил қилишда ҳокимиятларнинг бўлиниш принципини қўллашнинг иккита замонавий модели ажратиб кўрсатилган ва таъриф берган:

маҳаллий ҳокимиятлар бўлинишининг *биринчи модели (англосаксон)* Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва англосаксон ҳуқуқ тизими ҳукмрон бўлган бошқа мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати “пастдан” шаклланишдир;

маҳаллий ҳокимиятлар бўлинишининг *иккинчи (континентал ёки романо-герман)* модели континентал Европа, француз тилида сўзлашувчи Африка, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқда ўз аксини топган бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати марказий давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари ҳаракатларининг бир хиллигини таъминлаш, шунингдек аҳоли ва унинг вакиллик органига марказнинг жойлардаги вакиллари назорати остида маҳаллий ишларни мустақил равишда ҳал этиш имконияти саналади.

Шунингдек, тадқиқот ишида америкалик олим С.Хюммеснинг ҳокимият бўлинишининг “совет” модели деб номланадиган яна бир модели мавжуд бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати кўшалок бўйсунуш ва марказлашган демократия элементларининг мавжудлиги билан ифодаланади, деган нуқтаи назари тадқиқ қиланади. Маълум бўлишича, ҳокимиятнинг бундай бўлиниш модели Совет Иттифоқидан ташқари Куба, Танзания, Мозамбик ва бошқа социалистик мамлакатларда амал қилган¹.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, тадқиқотчи маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципининг қуйидаги моделларини илгари суради:

маҳаллий бошқарувнинг марказлашган тизимида маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш модели;

маҳаллий бошқарувнинг номарказлашган тизимида маҳаллий ҳокимиятлар принципини қўллаш модели;

маҳаллий бошқарувнинг гибрид тизимида маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш модели.

¹Samuel Humes IV. A World wide Comparison of Tradition and Change in Local Government. NewYork, USA, 1991. –P.81.

Бундан келиб чиққан ҳолда биринчи бобда маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллашга доир назарий ва амалий ёндашувлар асосида таҳлил қилинган ва таклиф-тавсиялар асослантирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш тизимини қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми”** деб номланган иккинчи бобда маҳаллий вакиллик ва ижро органларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаган ҳолдаги фаолияти йўналишларига бағишланган ва илмий асослантирилган таклифлар илгари сурилган.

Мазкур бобнинг *“Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг маҳаллий ижро органлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асослари”* деб номланган биринчи параграфда тадқиқотчи юқорида таҳлил қилинган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришда маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши, деб ҳисоблайди. Қонунчиликда ҳар бир маҳаллий ҳокимият тармогининг амал қилиши ва унинг фаолиятига аралашмасликни таъминловчи нормаларнинг мавжуд эмаслиги, ҳокимиятлар бўлиниш принципини самарали қўллашда тизимли муаммолар вужудга келишига олиб келади.

Тадқиқотчи вакиллик органларининг ижро органлари билан ўзаро муносабатлари, уларнинг мақсади, вазифалари, қўллаш соҳаси ва бошқа белгилари бўйича қуйидаги асосий гуруҳларга ажратади: вакиллик органлари устидан раҳбарлик қилиш ва вакиллик органлари фаолиятини ташкил қилиш доирасида юзага келувчи муносабатлар; вакиллик органларининг ҳоким ва уларнинг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарларини тайинлашдаги иштирокидан келиб чиқадиган муносабатлар; вакиллик органларининг ҳокимлар фаолияти устидан назорати, ҳокимлар томонидан вакиллик органларига ҳисобот тақдим этилиши, вакиллик органлари томонидан ҳокимларнинг айрим қарорларини тасдиқлаш, шунингдек ҳокимларнинг ноқонуний қарорларини бекор қилиш доирасида юзага келувчи муносабатлар; ҳоким ва халқ депутатлари Кенгашлари ҳамкорлигида амалга оширилиши керак бўлган аниқ ваколатларидан келиб чиқадиган муносабатлар.

Ушбу параграфда тадқиқотчи маҳаллий вакиллик ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг ижро органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг турли жиҳатларини ҳар томонлама ўрганди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари кенгашлари депутатлари мақоми тўғрисида”ги Қонунлардан келиб чиқиб, икки ҳокимият тармогининг ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий механизмлари тадқиқ этилиш давомида, такомиллаштиришга оид қўшимча ўзгартиришлар киритишга боғлиқ таклифлар илгари сурилди. Бунда тадқиқотчи томонидан маҳаллий вакиллик ва ижро органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида келиб

чиқишини тадқиқ қилди. Бундай фаолият шаклларига сессиялар, доимий комиссиялар, депутатлар фаолияти инобатга олинади. Функционал жihatдан ижро ҳокимияти органларининг маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органларига нисбатан фаолиятига тўғридан-тўғри ижро ва ёрдамчи сифатида таъриф берилиши мумкин.

Ушбу бобнинг “*Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини таъкил этишида ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллашнинг шакллари ва йўналишлари*” деб номланган иккинчи параграфида, маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалга ошириш масалалари, принципни қўллаш шакллари ва йўналишлари орқали тадқиқ этилган. Бундай шакллар сифатида тадқиқотчи, ҳокимиятлар бўлинишининг функционал, институционал ва персонал шаклларини ажратиб кўрсатади.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан “хар бир замонавий давлатда бошқарув шакли ва давлат тузилишидан қатъий назар барча ҳокимият пировардида халққа тегишли, шу боисдан бундай ҳолатда ҳокимиятлар бўлиниши ҳақида эмас, балки турли давлат органларининг функциялари (ҳуқуқлари, фаолият соҳалари ва ваколатлари)нинг бўлиниши тўғрисида сўз боргани мантиққа тўғри келади”¹, деб ҳисоблайдиган австриялик давлат ва сиёсат арбоби Хайнц Фишернинг илмий ёндашувига фикр билдириб, ҳокимиятлар бўлиниш принципи маҳаллий миқёсда муҳим эканлиги асослангириб берилган.

Тадқиқотчи олимнинг фикрига қисман қўшилган ҳолда ҳокимиятлар бўлинишда ҳокимият тармоқлари мустақил, бир-бирини тўлдириб туради, ҳамда ўзаро муносабатларда кесишишади. Тадқиқотчи “кесишишмоқ” тушунчасига шубҳасиз ўз ваколатлари доирасида юзага келувчи ва бир-бирига юкланмайдиган маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро муносабатлари сифатида таъриф беради. Бу айнан маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органларининг маҳаллий ҳокимиятнинг ижро органлари билан ўзаро муносабатлари механизми ҳисобланади.

Мазкур параграфни тадқиқ қилиш доирасида, бугунги кунда Ўзбекистонда *маҳаллий даражада ҳокимиятларнинг персонал бўлиниши* йўқлигидан далолат беради деган факт илгари сурилмоқда, бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 1 моддасида келтирилган, унга кўра: вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман, шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айна бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради деган қоида ўз аксини топади.

Тадқиқотчининг фикрича, маҳаллий ҳокимиятларнинг бўлиниш принципини қўллаш йўналишларини тадқиқ қилиш маҳаллий ҳокимият органлари функцияларининг кўриб чиқирилишини назарда тутаяди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тадқиқотчи томонидан қуйидаги илмий-амалий таклифлар асослангирилган:

амалдаги маҳаллий «ўзаро бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш»

¹Қаранг.: Heinz Fisher. Das Politische System Österreichs. – Wien, Austria. 2008. – p. 271 -313.

тизими ижро ҳокимиятининг олий мансабдор шахси – ҳокимнинг устунлик килувчи роли асносида амал қилади;

ҳоким раҳбарлигидаги маҳаллий ижро органи бир вақтнинг ўзида юқори турувчи ҳоким ва маҳаллий Халқ депутатлари кенгашига бўйсунди, бу эса унинг “икки томонлама бўйсинув”га эга эканлигидан далолат беради;

ҳоким лавозимига номзодни тайинлаш очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади;

кўп ҳолларда ҳоким, маҳаллий вакиллик органи – Кенгаш манфаатларидан кўра ҳокимиятнинг юқори турувчи органлари манфаатларини рўёбга чиқаришдан манфаатдор бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятлар бўлинишини такомиллаштириш истикболлари” масалаларига бағишланади. Мазкур бобда маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, мазкур принципни маҳаллий даражада қўллаш самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар кўриб чиқилган. Уларни ривожлантиришга доир тегишли таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Мазкур бобнинг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш муаммолари” деб номланган биринчи параграфда тадқиқотчи маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш билан боғлиқ мавжуд муаммоларининг илмий-амалий таҳлилини келтирган.

Тадқиқотчининг фикрича, маҳаллий вакиллик органларининг маҳаллий давлат ҳокимиятининг ижро органлари билан ўзаро муносабатлари маҳаллий бошқарувнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланиб, нафақат умумдавлат, балки маҳаллий вазифаларни ҳамкорликда ҳал этишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шакл ва усуллар йиғидиси сифатида ифодаланади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, тадқиқотчи маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллаш билан боғлиқ айрим муаммоларни кўйидаги фаолият йўналишлари бўйича аниқлайди:

биринчидан, ҳоким лавозимига тасдиқлаш механизмида;

иккинчидан, ҳоким лавозимига номзодни ва унинг тасдиқлаш механизмидаги ҳисоботида;

учинчидан, маҳаллий бўлинмалар, вазирлик ва идоралар раҳбарларини тайинлаш механизмида;

тўртинчидан, маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органлари томонидан маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш механизмида;

бешинчидан, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан жойларда маҳаллий бўлинмалар, бошқармалар, вазирлик ва идоралар бўлинмалари раҳбарларини тайинлаш механизминини амалга оширишда;

олтинчидан, маҳаллий Халқ депутатлари кенгаши томонидан ҳокимнинг

ҳисоботи тасдиқланмаган ҳолда юзага келувчи эҳтимолий оқибатлар (келишмовчиликлар)ни ҳал қилиш механизмини амалга оширишда.

Юқорида қайд этилган масалалар тадқиқотчи томонидан амалий-ҳуқуқий асосида таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг *“Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятлар бўлиниш принципини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”* деб номланган иккинчи параграфиди тадқиқотчи Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимиятлар бўлиниш принципини амалга ошириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш давомида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши керак бўлган таклифлар ишлаб чиқилган тавсиялар илгари сурилган.

Тадқиқотчи томонидан маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган *ҳоким лавозимига тасдиқлаш механизмини* такомиллаштириш зарурати асослаб берилган. Ўзбекистон Республикасининг *“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”*ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гуруҳлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичида яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида ўтказилади.

Тадқиқотчи мазкур механизм туман ва шаҳар ҳокимларига нисбатан қўлланилмайди, деган фактни илгари сураётган экан, унинг туман ва шаҳар даражасида мавжуд эмаслиги қуйидагиларга олиб келишини асослаб беради: *биринчидан*, сиёсий партияларнинг ўз электора манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилиши билан боғлиқ имкониятларини қисқартириш; *иккинчидан*, ҳоким лавозимига тайинлаш жараёнида коррупциоген омиллар юзага келиши; *учинчидан*, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлик гуруҳлари олдидаги масъулиятнинг пасайишига олиб келувчи муаммоларга

доир таклиф-тавсиялар берилган.

Ҳоким номзоди ва ҳисоботини тасдиқлаш учун овоз бериш механизмини амалга оширишда асосан очик овоз бериш тартибидан фойдаланилади. Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида ҳамда 17-моддасининг 5 бандида ҳам мазкур жараёнда ёпиқ овоз беришнинг ягона мажбурияти йўқ, фақатгина куйидаги тартиб, яъни: *халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича очик ёки яширин овоз бериш орқали, депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қарор қабул қилинади.*¹ деган фактни келтиради. Тадқиқотчи мазкур механизмни жамиятимиздаги менталитет ва маданий жиҳатни ҳисобга олган ҳолда қонуний жиҳатдан тартибга солиш заруратини қайд этади, чунки улар мавжуд бўлсагина, ҳоким номзоди ва ҳисоботини тасдиқлаш масаласига “салбий” муносабатни очик билдириш имконияти бўлмайди.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан *маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органлари томонидан маҳаллий ҳокимиятнинг ижро органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириши* муаммоларига боғлиқ масалаларни таҳлил қилиниб таклифлари асослаб берилган. Бунда муаллиф томонидан аниқланишича, маҳаллий вакиллик органлари томонидан самарали назоратни амалга ошириш билан боғлиқ камчиликлардан бири бугунги кунда амал қилаётган депутатлар томонидан асосий фаолиятни депутатлик фаолияти билан бирга олиб боришдир, бунда халқ депутатлар Кенгашининг аксарият депутатлари ўз фаолиятини маҳаллий ҳокимиятнинг ижро органларига бўйсинувчи ташкилотларда фаолиятини амалга оширади.

Маҳаллий вилоят, туман ва шаҳарлар депутатлари таркиби амалий таҳлил қилиниб, унинг натижалари уларнинг аксарияти бир вақтнинг ўзида тегишли ҳудудда бевосита ёки билвосита ҳокимларга бўйсинувчи мансабдор шахс ҳисобланишини кўрсатди. Тадқиқотчи мазкур муаммони Самарқанд вилояти ҳокимлиги мисолида кўриб чиқди ва депутатлар таркибини улар эгаллаб турган лавозими бўйича таҳлил қилганда маълум бўлишича, депутатларнинг 50% ни ижро ҳокимияти органлари вакиллари, 22%ни - тадбиркор ва фермерлар, 22%ни - жамоат ташкилотлари вакиллари ва 6%ни - банкирлар ташкил қилади².

Тадқиқотчи бу маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органлари томонидан маҳаллий ҳокимиятнинг ижро органлари фаолияти устидан самарали назорат амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз, деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда тадқиқотчи илмий соҳа мутахассислари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан жойларда маҳаллий бўлинмалар, бошқармалар, вазирлик ва идоралар бўлинмалари раҳбарларини тайинлаш механизмини такомиллаштириш заруратини асослаб беради. “Давлат бошқаруви органларининг маҳаллий буғинлари

¹ўша ерга қаранг.

²Самарқанд вилояти ҳокимияти расмий веб-сайти маълумотлари <https://samarkand.uz/ru>.

раҳбарларини лавозимига тайинлаш тартиби қандай бўлиши керак?” деган саволга, респондентларнинг 21% таркибий бўлинмалар раҳбарлари лавозимига ҳоким тайинлаши керак (якка тартибда); 33 % ҳоким тавсияси билан Кенгаш тасдиқлаши керак – кейинчалик уларни Кенгаш тасдиқлаши керак, 37 % юқорида қайд этилган номзодларнинг ҳудудий Кенгашдаги доимий комиссиялар томонидан кўриб чиқилиши керак ва 9 % ҳозирда мавжуд тартибни ўзгартиришнинг зарурати йўқ жавобларига натижалар олинди.

“Сизнингча, Кенгаш ва ҳоким ваколатлари бўлинганда, тегишли ҳудудни энг юқори мансабдор шахс сифатида ким бошқариши керак?” деган саволни тадқиқ қилар экан, тадқиқотчи респондентлар томонидан тақдим этилган турли ёндашувларни аниқлади. Шу тариха, муаллиф сўровда иштирок этган маҳаллий Кенгаш депутатларидан 120 нафари, яъни 36% ижро ҳокимияти раҳбари, 34 % вакиллик ҳокимияти раҳбари, деган фикрда, 21 % эса ўз навбатида вакиллик ва вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятлар тенг расмий мақомга эга бўлиши керак респондентларнинг 9% қуйидаги ёндашувларни илгари сурди: *Ҳокимиятнинг вакиллик органи раҳбари, агар у билимли ва мулоҳазали стратег бўлса; Вакиллик ҳокимияти раҳбари, лекин фақатгина ўқимшили., мазкур фаолият соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлса;*

Бу масалада қандайдир хулосага келишга ҳали жуда эрта.

